



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SUV XO'JALIGI VAZIRLIGI HAY'AT QARORI

2024-yil 5-noyabr

№ 8/1

Toshkent sh.

“Ijro.gov.uz” тизимидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг ҳужжатлари билан Вазирликка юклатилган топшириқлар ижроси 2024 йил октябрь оyi яқунлари, ноябрь ойида бажарилиши лозим бўлган топшириқлар ижросини белгиланган муддатларда, тўлақонли ва сифатли бажариш ҳамда ижро интизомига қатъий риоя этилишини таъминлаш юзасидан раҳбар-ҳодимларнинг шахсий масъулияти ва жавобгарлигини янада кучайтириш билан боғлиқ чора-тадбирлар тўғрисида.

Вазирлик ҳайъати таъкидлайдики, жорий йилнинг октябрь оyi давомида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 31 майдаги “*Ijro.gov.uz*” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–5132-сонли қарори асосида ижро интизомига риоя этиш, “*Ijro.gov.uz*” тизимида назоратда бўлган Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг ҳужжатлари билан Вазирликка юклатилган топшириқлар, шунингдек, Вазирликка келиб тушган хат ва ҳужжатларда баён этилган кўрсатма ва топшириқларнинг ижросини белгиланган муддатларда, тўлақонли ва сифатли таъминлаш борасида бир қатор ишлар амалга оширилган.

Вазирлик марказий аппаратида ижро интизомига риоя этилиши, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати ҳужжатлари билан Вазирликка юклатилган топшириқлар ижроси, Вазирликнинг буйруқлари, ҳайъат, селектор ҳамда аппарат йиғилиши қарорлари, шунингдек, вазирлик ва идоралардан келиб тушган хат ва ҳужжатлар ижроси ҳар ҳафтанинг жума кунлари вазирнинг биринчи ўринбосари, ҳар ҳафтанинг душанба кунлари Вазир ҳамда ҳар ҳафтада камида бир маротаба Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг маслаҳатчиси Р.Абдуқодиоров ҳузурида танқидий руҳда муҳокама қилиниб, унинг ижросини сўзсиз таъминлаш бўйича зарур чоралар кўриб борилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 31 майдаги ПҚ–5132-сонли қарорига мувофиқ I ва II-картотекага киритилган 2024 йилнинг октябрь ойида ижроси таъминланиши лозим бўлган ҳамда ушбу топшириқларни **25 октябрга қадар** ижросини таъминлашга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати ҳужжатлари ижроси бўйича **топшириқлар рўйхати** вазир ўринбосарлари кесимидаги **календарь режа** ҳамда **“йўл харита”**лар ишлаб чиқилиб, 20 сентябрь куни Вазир имзоси билан эслатма ва ижро учун вазир ўринбосарлари, Вазирлик марказий аппаратининг бошқарма ва мустақил бўлим бошлиқлари ҳамда Вазирлик тасарруфидаги республика ва тизим ташкилотлари раҳбарларига етказилган.

Лекин, кейинги вақтларда Вазирлик марказий аппаратининг айрим бошқарма бошлиқлари ва бўлим бошлиқлари ҳамда Вазирлик тасарруфидаги республика

ташкilotлари раҳбар-ҳодимларининг масъулиятсизлиги оқибатида ижро интизомига риоя қилмаслик, Вазирликка келиб тушган хат ва ҳужжатлар ижросини белгиланган муддатлардан кечиктириб бажариш ҳолатларига йўл қўйилмоқда.

2024 йилнинг октябрь ойи давомида “Ijro.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизимидаги назоратда бўлган 102 та Ўзбекистон Республикаси Президентининг топшириқларидан 99 таси (97,1 фоизи) тўлиқ бажарилган ва ўз муддатида назоратдан чиқарилган бўлиб, 3 та топшириқ ижроси таъминланмаган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи яқунлари бўйича ўтказилган 36-сонли йиғилиш баёнининг 18.2-банди, яъни “Қуаныш жарма” объектининг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиб, уни экспертизадан ўтказиш ҳамда жорий йил IV-чорагида фойдаланишга топширилишини таъминлаш ҳақидаги топшириғи Вазир ўринбосари Д.Ходжаҳмедов ҳамда Сув хўжалиги объектларини эксплуатация қилиш агентлиги директори ўринбосари Н.Хўжакулов томонидан ижросини таъминлашда қўшимча вақт талаб этилганлиги сабабли 2021 йил 31 майдаги ПҚ-5132-сон қарор талаблари асосида Вазирликнинг жорий йил 17 октябрдаги 01/22-3843-сон хати билан муддат узайтириш бўйича таклифлар Адлия вазирлигига тақдим этилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 17 январдаги ПФ-14-сонли Фармонининг 6-банди, яъни, Экология вазирлиги билан биргаликда хорижий ва маҳаллий олимларни жалб қилган ҳолда Чирчиқ дарёси ўзанини экологик реабилитация қилиш бўйича комплекс лойиҳани ишлаб чиқиш ва уни тасдиқлаш бўйича тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини киритиш топшириғи ижроси Вазирнинг биринчи ўринбосари Т.Бутунбаев ҳамда Сув хўжалиги объектларининг самарадорлигини таъминлаш бошқармаси бошлиғи Ф.Раджабов томонидан *шу кунгача тўлиқ таъминланмаган.*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи яқунлари бўйича ўтказилган 36-сонли йиғилиш баёнининг 16.в-банди, яъни Орол денгизининг қолган қисмини асраб қолиш ҳамда Орол бўйи ҳудудидаги кўллар тизимини сувлантириш мақсадида Қорақалпоғистон Бош Жанубий коллектори сувларини Орол денгизининг қуриган туби томонга йўналтириш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш топшириғи ижроси Вазир ўринбосари - Сув хўжалиги объектларини эксплуатация қилиш агентлиги директори Р.Қаршиев ҳамда Мелиорация объектларидан ва механизмларидан фойдаланиш бошқармаси бош мутахассиси Қ.Муродов томонидан *шу кунгача тўлиқ таъминланмаган.*

Вазирликнинг 2024 йил 22 апрелдаги “*Ижро интизомига қатъий риоя этилишинини таъминлаш, топшириқлар ижросини белгиланган муддатларда таъминлаш юзасидан барча даражадаги раҳбар-ҳодимларнинг шахсий масъулияти ва жавобгарлигини ошириш ҳақида*”ги 93-сонли буйруғи билан белгиланган вазирлик ва идоралардан ҳамда жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушаётган барча ҳужжатларнинг ижросини 5 кунлик муддатда таъминлаш, агар ушбу муддатда бажариш имкони бўлмаган тақдирда ҳужжат ижрога қаратилган куннинг ўзидаёқ ижро муддатини узайтириш юзасидан Вазирга таклиф киритиш бўйича белгиланган ички тартиб-қоидага қатъий риоя этилмаганлиги натижасида жорий йилнинг октябрь ойи давомида вазирлик ва идоралардан Вазирликка келиб тушган жами 1236 та хат ва ҳужжатлардан **19 та, яъни 1,6 фоиз (ўтган ойда 2,5 фоиз) хат ва ҳужжатларнинг ижроси кечиктириб бажарилган.**

Жумладан, Сув хўжалигида хорижий инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш маркази директори Ш.Султоновда 6 та, Молия-иқтисод ва хорижий инвестиция масалалари бошқармаси бошлиғи в.б. Ж.Аббосовда 5 та, Давлат-хусусий

шериклик ва аутсорсинг хизматини ривожлантириш бўлими бошлиғи в.б. А.Дувлоновда 4 та, Трансчегаравий сувлардан фойдаланиш ва энергетик сиёсатни юритиш бошқармаси в.б. О.Абдуллаевда 3 та ҳамда Сув ва гидротехник иншоотлар кадастрини юритиш бошқармаси бошлиғи в.б. Б.Минасиповда ва Ички аудит бошқармаси бошлиғи С.Алимарданов томонидан биттадан ҳужжатлар ижроси кечиктиришига йўл қўйилган.

Юқоридагилардан келиб чикиб, кун тартибидаги масала юзасидан тақдим этилган ахборотларни тинглаб ва муҳокама қилиб, ижро интизомиа риоя қилиш борасида йўл қўйилган хато ва камчиликларни бартараф этиш, келгусида бундай ҳолатларнинг келиб чиқишининг олдини олиш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 31 майдаги ПҚ–5132-сонли қарори ижросини сўзсиз таъминлаш, “Ijro.gov.uz” тизимида назоратда турган ноябрь ойида бажарилиши лозим бўлган Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг ҳужжатлари билан юклатилган топшириқлар ижросини сўзсиз бажариш юзасидан бошқарувнинг барча даражадаги раҳбар ва мутахассисларнинг ижро интизомига қатъий ва сўзсиз риоя этилиши юзасидан шахсий масъулияти ва жавобгарлигини кучайтириш мақсадида ҳайъат йиғилиши

Қарор қилади:

1. “Ijro.gov.uz” тизимидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг ҳужжатлари билан Вазирликка юклатилган топшириқлар ижроси 2024 йил октябрь ойи якунлари, ноябрь ойида бажарилиши лозим бўлган топшириқлар ижросини белгиланган муддатларда, тўлақонли ва сифатли бажариш ҳамда ижро интизомига қатъий риоя этилишини таъминлаш юзасидан раҳбар-ҳодимларнинг шахсий масъулияти ва жавобгарлигини янада кучайтириш билан боғлиқ чора-тадбирлар тўғрисида”ги ахборот **маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.**

2. Вазир ўринбосарлари, Вазирлик марказий аппаратининг бошқарма ва мустақил бўлим бошлиқлари, Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари, Вазирлик тасарруфидаги Республика ва тизим ташкилотлари раҳбарлари томонидан 2024 йил октябрь ойи давомида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон, қарор, фармойиш ва йиғилиш баёнларида Вазирликка юклатилган топшириқларнинг ижросини таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар **талаб даражасида эмас деб топилсин.**

3. Вазирликнинг 2024 йил 22 апрелдаги 93-сонли буйруғининг 4.2-банди билан белгилаб қўйилган вазирлик ва идоралардан ҳамда жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушаётган барча ҳужжатларнинг ижросини **5 кунлик муддатда** таъминлаш, агар ушбу муддатда бажариш имкони бўлмаган тақдирда ҳужжат ижрога қаратилган куннинг ўзидаёқ ижро муддатини узайтириш юзасидан вазирга таклиф киритиш бўйича белгиланган ички тартиб-қоидага қатъий риоя этмаганлиги, ижро интизомига қатъий риоя этилишини таъминламаганлиги, Вазирликка келиб тушган хат ва ҳужжатлар муддатидан кечиктириб бажаришига йўл қўйганлиги учун Давлат-хусусий шериклик ва аутсорсинг хизматини ривожлантириш бўлими бошлиғи в.б. А.Дувлонов, Сув хўжалигида хорижий инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш маркази директори Ш.Султонов, Молия-иқтисод ва хорижий инвестиция масалалари бошқармаси бошлиғи в.б. Ж.Аббосов, Давлат-хусусий шериклик ва аутсорсинг хизматини ривожлантириш бўлими бошлиғи в.б. А.Дувлонов ҳамда Трансчегаравий

сувлардан фойдаланиш ва энергетик сиёсатни юритиш бошқармаси в.б. О.Абдуллаевлар **огоҳлантирилсин.**

Белгилаб қўйилсинки, “Ijro.gov.uz” тизимида назоратда турган ноябрь ойида бажарилиши лозим бўлган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари билан юклатилган топшириқлар ижроси белгиланган муддатларда таъминланмаган ва ўрнатилган тартибда назоратдан чиқарилмаган тақдирда, уларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 312-моддасига мувофиқ **меҳнат шартномасини бекор қилишгача бўлган интизомий жазо чоралари қўлланилади.**

4. Вазирнинг биринчи ўринбосари Т.Бутунбаев, вазир ўринбосарлари Р.Қаршиев, Х.Қувондиқов ва Д.Ходжихмедовларга Вазирлик марказий аппаратининг бошқарма ва мустақил бўлим бошлиқлари ҳамда Вазирлик тасарруфидаги республика ва тизим ташкилотлари раҳбарлари билан биргаликда:

I ва II-картотекага киритилган ҳамда ижроси таъминланиши лозим бўлган Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати ҳужжатлари бўйича топшириқлар рўйхатини пухта таҳлил қилиб, жорий йилнинг ноябрь ва декабрь ойларида “Ijro.gov.uz” тизимида назоратда бўлган Ўзбекистон Республикаси Президенти топшириқларини таҳлил қилиб, ушбу ойлarda Вазирлик томонидан тайёрланадиган **5 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар** лойиҳаларини тегишли вазирлик ва идоралар билан келишилган ҳамда Адлия вазирлигининг ҳулосасини олган ҳолда **жорий йилнинг 20 ноябрига қадар** Вазирлар Маҳкамасига киритилишини сўзсиз таъминлаш;

жорий йилнинг ноябрь ойида “Ijro.gov.uz” тизимида назоратда бўлган Ўзбекистон Республикаси Президенти топшириқларини таҳлил қилиб, ушбу топшириқлар ичидан маблағ талаб қилинадиган ва ҳорижий мамлакатлар, шу жумладан, Ҳалқаро молия институтлари ва чет эл инвестициялари билан боғлиқ масалалар бўйича биринчи навбатда шуғулланиб, ўрнатилган муддатларда, тўлақонли ва сифатли таъминлаш билан боғлиқ чора-тадбирларни белгилаш ва амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 31 майдаги ПҚ–5132-сонли қарорига мувофиқ Вазир имзоси билан тасдиқланадиган ҳамда Ташкилий-назорат ва таҳлил бошқармаси томонидан ҳар ойнинг 25 санасига қадар эслатма ва ижро учун тарқатилаётган I ва II-картотекага киритиладиган ҳамда ҳар ойда ижроси таъминланиши лозим бўлган Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати ҳужжатлари бўйича топшириқлар рўйхати, вазирнинг биринчи ўринбосари ва вазир ўринбосарлари кесимидаги Календарь режа ҳамда “Йўл харита”да кўрсатиб қўйилган топшириқлар ижросини белгиланган муддатларда, тўлақонли ва сифатли таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати ҳужжатлари бўйича топшириқлар ижроси юзасидан кунбай тизимида мониторинг ва таҳлил ишларини амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати ҳужжатлари билан Вазирликка юклатилган топшириқлар ижросини таъминлашга қаратилган Вазирликнинг буйруқ, назорат режа, “Йўл харита”, ҳайъат, селектор ҳамда аппарат йиғилиши қарорлари ижросини сўзсиз таъминлаш вазифалари топширилсин.

5. Вазирлик марказий аппаратининг бошқарма ва мустақил бўлим бошлиқлари ҳамда Вазирлик тасарруфидаги республика ва тизим ташкилотлари раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 31 майдаги ПҚ–5132-сонли қарорининг ижросини тизимли равишда ташкил этиш, шу жумладан, “Ijro.gov.uz” тизимида назоратда бўлган **жорий йилнинг ноябрь ойида** назоратдан чиқарилиши лозим бўлган **1-картотекага қарашли 80 та** (Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон, қарор, фармойиши ва йиғилиш баёнлари) **ҳамда 2-картотекага қарашли** (Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари,

баёнлари ва топшириқлари) 36 та топшириқлар ижроси юзасидан кунлик мониторинг ўрнатиш ҳамда топшириқларни 20 ноябрга қадар тўлақонли ва сифатли қилиб бажарсинлар.

6. Ташкилий-назорат ва таҳлил бошқармаси бошлиғи М.Ибрагимовга:

Сув хўжалиги вазири Ш.Хамраев томонидан тасдиқланган I ва II-картотекага киритилган ноябрь ойида ижроси таъминланиши лозим бўлган Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати ҳужжатлари ижроси бўйича топшириқлар рўйхати, Календарь режа ҳамда вазир ўринбосарлари кесимидаги “Йўл харита”лар ижроси юзасидан ҳар кунлик тизимли ва қатъий мониторинг юритиш;

қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижроси бўйича “Ijro.gov.uz” тизимида киритилган маълумотлар ва тасдиқловчи ҳужжатларга асосан топшириқларни назоратдан ечиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси ва Адлия вазирлиги билан мунтазам равишда ҳамкорликда иш олиб бориш;

“Ijro.gov.uz” тизимида назоратда бўлган 80 та топшириқлар ижросини назоратдан ечиш бўйича ноябрь ойи давомида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида доимий фаолият юритувчи Штаб ташкил қилиб, ижросини назоратдан ечиш бўйича керакли Вазирлик марказий аппаратининг бошқарма ва мустақил бўлим бошлиқлари ҳамда Вазирлик тасарруфидаги республика ва тизим ташкилотлари раҳбарларини таклиф қилиб, муаммоли масалаларни узил-кесил ечиш билан боғлиқ чора-тадбирларни амалга ошириш вазифалари юклатилсин.

7. Мазкур ҳайъат йиғилиши қарорининг ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари (ижро интизоми учун масъул) Т.Бутунбаев зиммасига юклатилсин.

Ҳайъат раиси



Ш. Хамраев